

**Абдусаломова Нодира Баходировна,**  
ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
доценти, иқтисодиёт фанлари доктори  
(DSc)

## **МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Уибу мақолада муаллиф metallurgия саноати корхоналарида мавжуд бошқарув ҳисоби ва назорат тизимлари тармоқнинг мураккаб тузилмаларини бошқаришдаги асосий муаммолари, имкониятларини ҳамда ички назорат тизими услубиятини ишлаб чиқиши заруратини ўрганиб, metallurgия саноати корхоналарида ички назорат услубиятини такомиллаштириши бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқкан. Иқтисодчи олимларнинг ички назоратга назарий ёндашувларини таҳлил қилиб, муаллифлик ёндашуви асосида ички назоратга такомиллаштирилган таъриф берган.*

*В данной статье автор исследует основные проблемы, возможности и необходимость разработки системы систем внутреннего контроля для управления сложными учетными структурами и системами управления в металлургической отрасли, а также вносит предложения и рекомендации по совершенствованию метода внутреннего контроля в металлургической отрасли. Анализируются теоретические подходы экономистов к внутреннему контролю и дается улучшенное определение внутреннего контроля на основе авторского подхода.*

*In this article, the author explores the main problems, opportunities and the need for developing a system of internal control systems for managing complex accounting structures and control systems at the metallurgical industry, and has made suggestions and recommendations for improving the method of internal control in the metallurgical industry. Analyzes the theoretical approaches of economists to internal control and gives an improved definition of internal control based on the author's approach.*

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши қўп жиҳатдан саноатнинг жадал ривожланишига боғлиқ. Чунки саноат ривожланиши бошқа тармоқларнинг ривожланишига бевосита таъсир қиласди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4077-сонли қарорига [1] мувофиқ, “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноатнинг базавий тармоқларини техник ва технологик жиҳозлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш” алоҳида вазифа сифатида белгиланган. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожланишига ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошишига, инвестициявий муҳит шаклланишига имконият яратади. Юқоридаги қарордан келиб чиқиб, танқидий таҳлил асосида технология жараёнларини ҳамда хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи меъёрларини, ходимлар сонини мақбуллаштириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш ва қўшимча сарф-харажатларни қисқартириш, харид қилинган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш ҳисобига саноат маҳсулоти таннархини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб чиқаришни бошқариш самарасини ошириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этишни таъминлашга йўналтирилган 2017 йил 15 сентябрдаги “Ўзметкомбинат” АЖ бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3277-сонли, 2019 йил 17 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4124-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июндаги “Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 425-сонли қарорлари ҳам бу борадаги муҳим хужжатлардан. 2009-2018 йиллар давомида республика металлургия тармоғида товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 3944,0 млрд. сўмликдан 15659,1 млрд. сўмликга ошган. Ўсиш суръати 2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан 114,4 фоизни ташкил этган (1-расм).



**1- Расм. Ўзбекистон Республикаси металлургия саноати корхоналарида товар маҳсулотининг ишлаб чиқарилиш ҳажмлари (млрд. сўм)<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> www.stat.uz.

Тадқиқотлар metallurgия саноати корхоналарида мавжуд бошқарув ҳисоби ва назорат тизимлари тармоқнинг мураккаб тузилмаларини бошқаришдаги асосий қийинчиликларни аниқлашга имкон берди. Улар қўйидагилардир: ваколатларни бош ва худудий корхоналар ўртасида тақсимлашнинг тартибга солинган тизими мавжуд эмаслиги; бир вақтнинг ўзида бир неча фаолият турини юритиш (металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш) туфайли бошқарувни тартибга солишдаги мураккаблик; таркибий бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш ва рағбатлантиришнинг мураккаблаштирилган тизими; фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнлари турли хусусиятга эгалиги оқибатида харажатлар ва **МОЛИЯВИЙ** натижалар ҳисобини юритиш усуллари ўзаро мувофиқ ташкил этилмаганлиги.

Металлургия саноати тармоғидаги қатор корхоналар фаолияти таҳлили натижалари шуни кўрсатмокдаки, уларни самарали ривожлантириш учун бошқарув омилларини такомиллаштириш зарур. Бунда ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув тизимида назорат функциялари алоҳида аҳамият касб этганини эътиборда тутиш лозим.

Мазкур функцияларнинг асосий вазифаси йўқотишлар ва ўғирликларнинг, маҳсулот бузилиши ва тўлиқ кирим қилинмаслигининг олдини олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва самарадорликнинг пасайиши сабабларини аниқлашдан иборат. Бошқарув тизимида назорат функцияларининг кучайиши маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, рақобатбардошлигини таъминлаш ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасини ошириш имконини беради.

Металлургия тармоғига кирувчи корхоналарда ички назорат тизими услубиятини ишлаб чиқиш зарурати қўйидаги сабабларга кўра юзага келади:

1) бош корхона ва худудий корхоналарда харажатларнинг юзага келиши марказлари ва хўжалик жавобгарлиги марказлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг тезкор назоратини таъминловчи ички назорат тизимини ташкил этишга нисбатан янги ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш зарурлиги;

2) металлургия саноати корхонаси худудий корхоналари томонидан ички назорат тизимини ташкил этиш ва ички назорат усуллари бўйича иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бўйича илғор хорижий тажрибани ҳисобга оловчи таклифлар амалий талаб этилиши;

3) металлургия тармоғи корхоналари фаолияти кўп тармоқли сегментлари бўйича бюджетлар ижросини тезкор назорат қилиш ва бюджетлаштириш моделини шакллантиришнинг долзарблиги;

4) металлургия тармоғи таркибига кирувчи корхоналарнинг металл

маҳсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатишга йўналтирилганлиги.

Назорат тизимини шакллантириш, унинг мақсадлари, вазифалари, назорат органларининг функциялари ва механизмлари бир қатор иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилган.

Жумладан, Л.Г. Макарова ўз илмий ишларида корхонанинг ночорлигини баҳолаш ва прогноз қилиш учун ички назорат тизими элементларини такомиллаштириш йўналишини тадқиқ этган [2].

Саноат корхоналарида ички назоратни ташкил этиш бўйича олиб борилган илмий ишларида ички назоратга аникроқ таърифни Л. Хуаныш берган. Унинг фикрига кўра, «саноат корхоналари ички хўжалик назорати – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш захираларини аниқлаш, ўғирликлар, суиистеъмолликлар, яроқсизликлар ва фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида барча мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар, директорлар кенгаши, бошқарув йиғилишлари қарорларининг бажарилишини, бюджетлар ижроси – моддий, меҳнат ва умушишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилишини муентазам текшириб туриш, мулқдорлар мол-мулқининг бутлигини ва қонунчиликка амал қилинишини таъминлади»[3].

Инглиз олими Р. Додж таъкидлашича, «Ички назоратнинг таркибий қисми ички аудит бўлиб, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш мақсадлари учун фирманинг бошқарув органлари қарорига асосан амалга оширилади»[4]. Унинг фикрича, ички назоратнинг таркибий қисми сифатида кўрсатилган ички аудит жуда тор маъно касб этади.

Ички назорат масаласига Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб асосий эътибор қаратилмоқда. Унинг моҳияти, мазмуни ва гуруҳланиши бўйича мамлакатимиз олимлари орасида турлича фикрлар мавжуд. Жумладан, профессор М.Қ. Пардаевнинг илмий ишларида “ички аудит ички назоратнинг бўғини сифатида кўрилган”[5]. Бизнингча, ушбу таърифда ички аудит назоратнинг бўғини сифатида кўрилиб, ички назорат ички аудитдан кенгроқ эканлиги кўрсатиб берилган.

Профессор А.К. Ибрагимовнинг фикрича, ички аудит хўжалик фаолияти ҳақида ахборот беради ва хўжаликлар ҳисботларининг ишончлилигини тасдиқлайди. Ички аудитнинг аҳамияти ва зарурияти бошқарув функцияларини таҳлил қилиш билан боғлиқ”[6]. Бу фикрга қўшилиб, ички аудит корхонанинг ички назорат тизимига ўзининг фаолиятини амалга оширишда тўлиқ таяниши тўғрисида хulosса қилиш мумкин бўлади.

К.Б. Аҳмеджановнинг фикрича, “Ички назорат ҳар бир бошқарув жараёнида назорат босқичининг ажралмас элементи бўлиб, унинг бошқа босқичларда нечоғли сифатли кечётганини кўрсатувчи ва ахборот очиқлигини таъминловчи алоҳида тизим сифатида шаклланган [7].

Юқоридаги келтирилган муаллифлар ёндашувларида ички назоратнинг кўйидаги учта элементи ҳар бир таърифда ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин:

1. Назорат муҳити (ички назорат муҳити ва муҳит назорати) - ташқи ва ички омилларни инобатга олган ҳолда назоратни ташкил этиш.

2. Назорат воситалари (назорат тадбирлари ёки назорат қилиш усуллари) назорат жараёнларини амалга оширишни таъминлаш учун ҳужжатлар, техник ва ташкилий воситалар.

3. Ахборот тизими (дастлабки маълумотлар, бухгалтерия ҳисоби) - хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти томонидан ўрнатилган кўрсаткичлар тизими, дастурий таъминот, маълумотлар базалари, ходимлар малакаси ва маълумотларни қайта ишлаш тартиб-қоидалари.

Металлургия саноати корхоналарида ўтказилган тадқиқотларимиз «ички назорат» тушунчасига саноат нуқтаи назаридан аниқлик киритиш лозим, деган хulosага олиб келди.

Демак, фикримизча, металлургия саноати корхоналарида ички назорат – жавобгарлик марказлари ҳисобланган металлургия комбинати (бош корхона) бўлимлари томонидан тузилган бюджетларнинг ҳақиқатда бажарилишини назорат қилиш. У бундан ташқари, бюджетлар ва таркибий корхона ва бўлимлар томонидан улар ижроси, иқтисодий хавфсизлик ҳолати, металл маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи омиллар, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришлари фаолияти устидан жавобгарлик марказларининг назорати.

“Ички назорат” тушунчаси таҳлили натижаси асосидаги хulosamiz шу бўлдики, омиллар таъсирини, таваккалчиликларни бошқариш концепциясини корхона бошқарув тизимида киритиш нуқтаи назаридан ички назоратнинг моҳияти фақат назорат, бошқарув, баҳолаш ва таҳлил функциялари билан чекланиб қолади. Тадқиқотлар давомида иқтисодий кўрсаткичларга асосланиб, ички назоратни амалга ошириш вақтида келиб чиқиши мумкин бўлган хатарлар, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши тақазо этувчи омиллар аниқланди. Бу эса тадқиқот давомида ахборот тизимлари ёрдамида ички назоратни такомиллаштириш вазифасини келтириб чиқаради.

Ишончли ички назорат тизимини ташкил этишга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади: тармоқ корхонаси ташкилий тузилмасининг муракқаблиги, ҳуқуқий шакл, фаолият турлари кўлами, ҳар хил фаолият турлари назоратини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, раҳбариятнинг назоратга бўлган муносабати. Бундан ташқари ички назоратни ташкил этиш тармоқ таркибига кирувчи корхоналарнинг ўлчамига, уларнинг компьютер дастурлари билан жиҳозланганлик даражасига, раҳбариятнинг назоратда шахсан иштирок этиш имконияти ва бошқа омилларга боғлиқ.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган билимли, ишончли ходимлар ички назоратнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Агар назорат малакасиз

ходимлар томонидан амалга оширилса, ҳатто тизимнинг бошқа таркибий қисмлари оқилона ташкил этилган тақдирда ҳам ички назорат самарасиз бўлади. Ички назорат тизими ишончлилигини ошириш мақсадида ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари лавозим йўриқномаларида аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Тегишли мажбуриятларини тақсимлаш назоратнинг сифатини ошириш, тасодифий хатоларни аниқлаш учун зарур. Агар хўжалик операциясини бир киши амалга ошириб, унинг ўзи ушбу операцияни бухгалтерия ҳисобида акс эттиrsa ёки дастлабки ҳужжатларни тузишдан тортиб то баланс тузишгacha барча ҳисоб юритиш функцияларини бажарса, хато бўлмаслиги эҳтимоли ортади.

Металлургия саноати корхоналарида назорат ва тафтиш бўлими бошлиғи бошчилик қиласиган назорат ва тафтиш хизмати ички назорат ҳуқуқига эга мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда ички назоратнинг вазифалари қўйидагилардан иборат, деган хulosага келиш мумкин:

- ҳар бир ҳудудий корхона ва таркибий бўлинма учун назорат обьектлари ва субъектларини белгилаш;
- ҳар бир корхонада назорат обьектлари ва субъектларини ўз ичига оловчи жавобгарлик марказини белгилаш;
- ички назоратни ўтказиш мақсадида ташкилий тузилмани ташкил этувчи барча обьектлар ва субъектлар учун бир хил тавсиялар, қоидалар, меъёрлар ва регламентларни ишлаб чиқиш;
- назорат қилинадиган ҳар бир обьект бўйича натижаларни баҳолаш;
- назорат субъектлари ва менежерлар томонидан аниқланган салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиши.

Ушбу вазифалар доирасида металлургия саноати корхоналарининг ички назорати субъектлари қўйидагиларни текширади: ички назорат тизимининг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг самарадорлигини; кенгашлар, бошқарув қарорлари, ички тартибининг бажарилишини; меҳнат интизомига риоя қилинишини; хом ашё, материаллар, металлолом, яримтайёр маҳсулот, темир лист, шлак уюми, ёқилғи, сув, электр энергияси, тайёр маҳсулот сарфи ва бошқа моддий харажатлар меъёрларига амал қилинишини; даромадлар ва харажатларни аниқлаш ва молиявий натижаларни ҳисоблашнинг тўғрилигини; маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашнинг тўғрилигини.

Ички назорат жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, жавобгарлик марказлари ҳисобланган корхона ва унинг таркибий бўлинмалари молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш захираларини аниқлаш мақсадида таҳлилий тартиботлар қўлланилади.

Ички назоратни амалга ошириш жараёнида хўжалик операциялари ҳужжатларда расмийлаштирилиши устидан назорат амалга оширилиши керак.

Таҳлилий тадбирларни барча жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобот даврининг охирида эмас, балки анча қисқа давр: бир кун, беш кун, ўн кун учун ўтказиш лозим. Назорат даврини нима назорат қилинишига қараб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Олиб борилган тадқиқотлар муаллифга металлургия саноати корхонасида маҳсус ички назорат хизматини ташкил этиб, унинг зиммасига алоҳида функцияларни юклаш лозим, деган хulosага келиш имконини берди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Металлургия саноати корхоналарида ички назорат субъектларининг назорат функциялари<sup>2</sup>

Ички назорат субъектлари	Ички назорат обьектлари	Функциялар
1. Металлургия корхонасининг бош директори	Корхонанинг хўжалик фаолияти, молиявий аҳволи	Стратегик вазифаларни ва молия-хўжалик фаолиятининг ўйналишларини белгилаш
2. Ички назорат хизмати	Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти, жавобгарлик марказларининг ишлаб чиқариш фаолияти	Корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, активларнинг бут сақланишини таъминлаш ва уларнинг ҳосил бўлиши манбаларидан фойдаланиш
	Таркибий бўлинмалар (жавобгарлик марказлари) фаолиятининг барча турлари	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари устидан жавобгарлик марказлари назорати сифатини баҳолаш
3. Худудий корхона бошқарувчиси		Таркибий бўлинмалар ишига раҳбарлик қиласи ва уларнинг самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этади, фаолиятини ўйналтиради
4. Директорнинг иқтисодиёт ва молия бўйича ўринбосарлари	Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини, иқтисодий кўрсаткичларини, ички хўжалик захираларини, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг сотиш харажатларини назорат ва таҳлил қиласи	Корхоналарнинг молиявий фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни такомиллаштириш, режа ва ҳисоб юритишига доир ҳужжатларни ишлаб чиқиши ташкил этиш, харажатларни мөъёrlаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича топшириқларнинг бажарилиши, таркибий бўлинмалар (жавобгарлик марказлари)нинг харажатлари устидан назорат юритиши
5. Бош директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари	Барча тармоқлар ва таркибий бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш фаолияти	Бош корхона таркибий бўлинмалари ва худудий корхона ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш, бош мутахассислар ишини мувофиқлаштириш
6. Бош директор ўринбосари Худудий корхоналарнинг молиявий директорлари	Барча хўжалик жараёнлари, хўжалик фаолияти барча операцияларини қамраб олишнинг тўлиқлиги ва уларни ҳисоб юритиши регистрларида акс эттиришнинг	Дастлабки харажатларни қабул қилиш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиши қоидаларига мослигини назорат қилиш
		Ишлар ва хизматларни калькулация қилиш, мол-мулк, дебиторлик ва кредиторлик карзларини тўсатдан хатлаш
		Солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ўз вақтидалиги
		Маҳсулотни киrim қилишнинг тўлиқлигини, ишларнинг бажарилишини назорат қилиш

<sup>2</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

	ҳаққонийлиги; дастлабки ҳужжатлар; таркибий бўлинмалар раҳбарларининг хисоботлари	Бухгалтерия хисоботлари учун маълумотларни тайёрлаш, уларни тузиш
7. Директорнинг юридик масалалар бўйича ўринбосари	Конун ҳужжатлари, уларнинг металлургия саноати корхонасида қўлланилиши	Корхона томонидан тайёрланадиган ҳужжатлар (шартномалар, низомлар, бўйруклар ва ҳ.к.)нинг конун ҳужжатлари талабларига мос келишини назорат қилиш. Уларнинг ишлаб чиқилишида бевосита иштирок этиши
8. Бош технолог	Металл хом ашёсига ишлов бериш технологияси (ишлов бериш меъёрлари, тайёр маҳсулот)	Ишлов бериладиган хом ашё бўйича технологик карталарда назарда тутилган технологияга риоя этилишини назорат қилиш Металлоломга ишлов бериш меъёрларига риоя қилиш Металлоломга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш Тайёр маҳсулот олишнинг сифатини ва уни кирим қилишнинг тўлиқлигини назорат қилиш
9. Бош мұхандислар	Техникани таъмирлаш, техниканинг ҳар бир тури бўйича таъмирлаш, ёқилғи-мойлаш материаллари сарфларининг меъёрлари	Техникани таъмирлаш учун нуқсонли қайдномаларнинг тузилишини ташкил этади, техниканинг ҳар бир тури бўйича эҳтиёт қисмлар, таъмирлаш, ёқилғи-мойлаш материаллари сарфларининг меъёрларини назорат қиласди, техникани хисобдан чиқариш далолатномаларини тузади
10. Цех бошлиқлари	Маҳсулотни кирим қилиш, сақлаш ва сотиш, металл сифатини ва ишлаб чиқариш даражасини баҳолаш, ишлаб чиқариш даврини назорат қилиш	Ишлаб чиқариш бўлинмасининг ишини ташкил этади, маҳсулотни кирим қилиш, сақлаш қоидаларига риоя этилишини таъминлайди, маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини назорат қиласди, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя этилишини, хом ашё, материаллар, сув, электр энергиясидан оқилона фойдаланишини назорат қиласди

Бошқарув ҳисоби тизимининг элементи ички назорат ҳисобланади ва, маълумки, у ишлаб чиқариш ресурслари йўқотишиларининг олдини олиш ва инновацион технологияларни жорий этиш юзасидан оқилона қарорлар қабул қилиш учун зарур.

Металлургия саноати корхоналари ишлаб чиқаришини бошқаришнинг мазмуни муайян кичик функциялар амалга оширилиши билан белгиланади. Шу тариқа ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида ички назорат функциясини киритиш мақсадга мувофиқ.

Металлургия саноати корхоналарида биз таклиф қилаётган ички назорат тизимининг ишлаши тизимга кириш; тизимдан чиқиш; тизимни ҳаракатга келтирувчи механизм-қурилма; тизимнинг киришини ундан чиқишига айлантирувчи механизм; механизмнинг ишлаши шартлари мавжуд бўлишини назарда тутади.

Барча ўзаро боғланган жавобгарлик марказлари ва назорат методологияси ички назорат механизмини кириш ва чиқиш ахбороти турли жавобгарлик марказлари ўзаро ҳамкорлигининг асосини ташкил қиласди.

Ички назорат механизмининг ишлаши фойдаланиладиган ички назорат методологияси (мақсади, вазифалари, тамойиллари, шакллари, турлари,

усуллари) асосида назорат фаолиятини амалга оширишдан иборат. Назорат механизмининг ишлаши ўрнатилган назорат тартиблари амалга оширилиши ва ҳисоб юритиш тизимининг ишлашида ўз ифодасини топади.

Бизнесни жадал ривожлантириш ва унинг рентабеллигини ошириш мақсадида металлугия саноати корхоналари харажатлари ва ишлаб чиқаришини тезкор бошқариш зарур. Бунинг учун раҳбарлар тезкор таҳлил ўтказишлари лозим. Тезкор таҳлилнинг моҳияти қўйидагилар устидан кундалик ички назорат амалга оширилишидан иборат:

1. Металлоломни қайта ишлаш ва металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши.
2. Меъёрлар ва меъёрий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда харажатлар, дастурлар, четланишлар сабаблари ва четланишлар айборларининг аниқланиши.
3. Жавобгарлик марказлари маҳсулотлари, ишлари, хизматлари кесимида харажатлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида маълумот олишнинг таъминланиши.
4. Тезкор таҳлил унинг усулларини қўллаган ҳолда ўтказилиши.

Муаллиф томонидан металлургия саноати корхоналарида ички назоратнинг ташкилий ва методологик хусусиятлари тадқиқ этилиши уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш имконини беради (2-жадвал).

2-жадвал

### Металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини такомиллаштириш йўналишлари<sup>3</sup>

Ички назоратни такомиллаштириш йўналишлари	Ички назорат обьектлари, мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва уни такомиллаштириш йўллари
1. Металлургия саноати корхонасини бошқариш тизмининг ахборотга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ, назорат обьектларини аниқлаш ва уларни текшириш мақсадлари ва вазифаларини белгилаш	Назорат обьектлари: асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи саноат ишлаб чиқариши, молиявий фаолият, инвестициявий фаолият, таъминлаш ва сотиш жараёнлари Ички назорат мақсадларини ифодалаш. Назорат функцияларини амалга ошириш учун вазифаларни ва уларни ҳал этиш йўлларини белгилаш
	Назоратнинг асосий тамойиллари ва талабларига риоя қилиш
2. Ички назорат тизимини ташкил этиш. Назоратни ички регламентлаш хужжатларини ишлаб чиқиши	Ички назоратни амалга оширувчи бошқарувчиларни аниқлаш Ички назоратни амалга оширувчи бошқарувчиларнинг малакасини аниқлаш Ички назорат тўғрисидаги низомларни, хуқуқлари, мажбуриятлари ва улар томонидан амалга ошириладиган назорат функциялари

<sup>3</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

	<p>бажарилиши учун жавобгарлик кўрсатилган ҳолда ички назоратни амалга оширувчи мансабдор шахслар йўрикномаларини ишлаб чиқиш</p> <p>Жавобгарлик марказлари, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва унинг харажатлари бўйича назоратнинг умумий ва локал тизимлаштирилган дастурлари режасини ишлаб чиқиш</p>
3. Бошқарувчилар ишини ва ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, назоратнинг методик ва технологик жиҳатларини ишлаб чиқиш	<p>Назоратни амалга ошириш учун бошқарувчиларнинг барча зарур воситалар билан таъминланганлиги</p> <p>Ҳар бир жавобгарлик марказиларининг фаолиятини назорат қилиш алгоритмларини яратиш</p> <p>Таъминлаш, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнларини назорат қилиш методикаларини ишлаб чиқиш</p>
4. Ишлаб чиқариш (мехнат, моддий, молиявий) ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги методикасини ишлаб чиқиш	<p>Ишлаб чиқариш салоҳияти устидан назоратни ташкил этиш ҳамда унинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаш</p> <p>Ишлаб чиқариш ресурслардан фойдаланиш устидан назоратни ташкил этиш</p> <p>Мутахассислар томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятлари варианtlарининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинган бошқарув қарорлари учун масъул бошқарувчиларнинг улар томонидан таъминланиши</p>
5. Ишлаб чиқариш ва харажатларини назорат қилиш ахборот базасини такомиллаштириш	<p>Корхонада бошқарув ҳисоби маълумотларига ишлов беришнинг компьютер технологияларини кўллаш, дастлабки хужжатлар, ҳисоб юритиш ва ички ҳисботлар схемаларини ишлаб чиқиш</p> <p>Бошқарув таҳлили методикасини такомиллаштириш, назоратни амалга оширишда кўлланиладиган таҳлилий тартиботларни белгилаш.</p> <p>Бошқарувнинг иқтисодий усулларини ташкил этиш ва корхонада ходимларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш</p>
6. Металлургия саноати корхоналарида ички назорат хизматини, уларнинг худудий корхоналарида эса назорат-тафтиш бўлимини ташкил этиш	<p>Ички назорат хизматининг сифатий таркибини аниqlаш</p> <p>Ички назорат хизмати фаолиятининг регламентини ишлаб чиқиш</p> <p>Ички назорат методикасини ишлаб чиқиш, назорат обьектларини, шу жумладан, жавобгарлик марказилари бўйича ички ҳисботлардаги мавжуд ахборотни; далилларни тўплаш усуллари ва уларни умумлаштириш тартибини; бош корхона ва унинг таркибий бўлимлари бизнесининг ривожланиш динамикасини ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш имконини берувчи таҳлилий тартиботларни белгилаш</p>

Тадқиқотлар натижасида ички назоратни режалаштириш жараёнини кўйидаги такомиллаштирилган босқичлар асосида амалга ошириш таклиф этилди:

**1-босқич.** Ички назорат вазифасини аниқлаш. Корхонанинг ривожланиш стратегик мақсадларини хисобга олган ҳолда ички назорат хизмати раҳбари ички назоратнинг вазифаларини ва стратегик мақсадларини, шунингдек, корхонанинг стратегик ва жорий мақсадларига мувофиқ энг асосий вазифаларни белгилаб беради. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши бошқарув қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқишига имкон беради;

**2-босқич.** Харажатларни бошқариш тизимини ва баланслашган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш. Бу босқични амалга ошириш корхонанинг ўзига хос технологик хусусиятлари ва бухгалтерия хисобини юритиш усулларига боғлиқ. Бу босқичда ички назорат хизмати раҳбари тегишли кўрсаткичларни белгилаб олганидан сўнг, кўйидагиларни амалга оширади:

- корхона самарадорлигини тавсифлаш;
- корхонанинг жорий молиявий ва мулкий аҳволини баҳолаш;
- муайян жараёнларни олдиндан башорат қилиш;
- назорат қилиш;

**3-босқич.** Жавобгарлик марказларини ажратиб олиш. Жавобгарлик маркази қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва тегишли ваколат билан масъул шахс раҳбарлик қилаётган бўғин (бўлим, цех)дир. У корхонанинг ушбу фаолият натижалари учун масъул бўлган таркибий қисми ҳисобланади. Жавобгарлик марказларини аниқлаб олиш ички назорат хизмати раҳбарига тадбирларни режалаштириш, фақатгина юзага келиши мумкин бўлган четланишлар омилларини эмас, балки қарор қабул қилиш жараёнини, қабул қилинган қарорнинг натижаси ва унинг асосий ишлаш кўрсаткичларига таъсирини доимий равишда назорат қилиш имконини беради;

**4-босқич.** Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларига, харажатларни бошқариш тизимини ва фаолиятнинг бошқа кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш. Ички назорат хизматининг раҳбари эксперт гурухини тузиши ва корхонанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган назорат тизимларидан фойдаланиб, жавобгарлик марказларидаги асосий кўрсаткичларга таъсир қилувчи энг муҳим омилларни аниқлаш, хатарлар, белгиланган меъёрдаги четланишлар, бухгалтерия ҳисобварақларидаги (молиявий ҳисбот сатрларидаги) ўзгаришларни аниқлаши керак бўлади. Бунда ички назоратни ташкил этиш учун зарур ахборот манбаи алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ахборот манбаи кўрсаткичларининг ички ва ташки мухит омиллари асосида гурухлаштирилган тартиби тадқиқот давомида ишлаб чиқилган;

**5-босқич.** Бошқарув ҳисоби тизимида ички назоратни ташкил этишда корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини, барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилик

даражасини аниқлаш муҳим. Ички назоратни ташкил этишнинг ушбу босқичида ички назорат хизмати раҳбари корхонанинг молиявий-иктисодий фаолияти миқдорий кўрсаткичларини баҳолаши, молиявий коэффициентларни таҳлил қилиши ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаши керак. Ички назоратни ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали шакллантириш корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва унинг аҳволини баҳолаш асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишига асос бўлади.

Ушбу босқичда ички назоратни режалаштириш жараёнида корхонанинг барқарор фаолият юритишига таъсир қиласидан хавф омилларини баҳолаш учун ички назорат хизмати кўрсаткичларга салбий ва ижобий таъсир кўрсатадиган омилларни алоҳида тавсифлаши керак;

**6-босқич.** Ҳар бир омилнинг таъсирини математик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш. Математик усулларни қўллаш ички назорат хизмати фаолият кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларнинг энг юқори таъсир даражасини аниқлаш учун зарур бўлади. Бу эса ички назоратни режалаштириш вақтида ички назорат хизмати раҳбарига асосий кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларнинг хавфлилик даражаси ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқишига асос бўлади.

Шунингдек, бу босқичда корхона фаолияти натижасига баҳо берувчи рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади. Бунда корхона фаолияти фойдалилик даражаси баҳоланиб, одатда, унинг бир нечта турлари ҳисоб-китоб қилинади. Бу бевосита мулк шакли бўйича даромаднинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича ички назоратни амалга ошириш имконини беради.

Таклиф этилган босқичлар асосида ички назоратни ташкил этиш методологияси, бир томондан, корхона фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омилнинг таъсирини баҳолаш ва ҳисобга олиш, иккинчи томондан, ички назорат маълумотлари асосида ички аудит ўтказиш жараёнини оптималлаштириш ва ички назорат ҳисботларини тузиш имконини яратади.

Хуроса қилиб айтиш мумкинки, республикамида иктисодий билимларнинг нисбатан янги тармоғи сифатида бошқарув ҳисоби тизими ички назорат ўзига хослиги ва кўп қирралилиги боис ноанъанавий воситалар қўлланилишини талаб қиласидан.

Бошқарув ҳисоби тизими ички назорат мақсадлари ва вазифаларининг амалга оширилиши орқали такомиллаштирилиши бошқарув кичик тизимлари (сотув, таъминот, нархни шакллантириш ва ҳ.к.)нинг мантиқий-танқидий таҳлилини ҳамда тизимли-муаммоли ёндашувини амалга ошириш имконини беради. Ҳар бир кичик тизим ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва тенденцияларини аниқлаш, умуман, корхонани ривожлантиришнинг глобал муаммоларини аниқлаш ва иктисодий субъектнинг аниқ “молиявий аҳволи”ни тасаввур қилиш имкониятини яратади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация килиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4077-сонли қарори. //<http://lex.uz/docs/4128561>.
2. Макарова Л.Г. Объекты и процедуры аудита эффективности функционирования коммерческих организаций в федеральных стандартах аудиторской деятельности. //Экономический анализ: теория и практика, 2012, № 43.
3. Хуаныш Л. Проблемы организации внутреннего контроля на промышленных производственных предприятиях Республики Казахстан. Российское предпринимательство Том 19. № 4. 2018, апрель. С. 1065-1082.
4. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита: пер. с англ.; предисловие С.А. Стукова. –М.: Финансы и статистика; ЮНИТИ, 1992. – 240 с.
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси. –Т.: ТДИУ, 2001.
6. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш ҳаржатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Иқт. фан. дисс.си. – Т., 2002.
7. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. иқт. фан. дис.си. – Т., 2016.